

---

## "Чилгижийда" маҳалласининг 1500 метрдан зиёдроқ кўчаси равон бўлди

Фурқат туманида маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш ишлари давом этмоқда.

Давлат раҳбарининг "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-408-сон қарорига асосан "Чилгижийда" маҳалла фуқаролар йиғинининг Уста Юсуфжон кўчасида 492 метр, Тегирмонбоши кўчасида 500 метр ҳамда Қўрғонча кўчасида 595 метр ички кўчалар асфальтланди.

Аҳоли вакиллари маҳаллаларнинг қиёфаси тобора кўркамлашиб бораётганидан беҳад мамнун.

2023-04-08 16:43:15